



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

18 ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 18, НОМЕР 3

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 18, ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2025

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№3 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-3>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'afvor**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Yosuke Shamoto**  
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)  
**Umarxonova Dildora Sharipxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nematov Jo'rabek Nematilloevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xusanov Ozod Tillabayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Selimanova Svetlana Mixaylovna**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**Sung Un Lee**  
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ruziyev Rustam Jabborovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**  
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)  
**Ahmad Issa Altweissi**  
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)  
**Mexmonov Kambariddin Miradxamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**  
Kanton Federal sud markazi (AQSH)  
**Borut Strazisar**  
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Gasanov Mixail Yuriyevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Denisov Gleb**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliyev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzayev Aziz**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farxod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)  
**Qo'shayev Nurali Mahmudovich**  
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govverjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


<b>1. Xabibullayeva Dilfuza Kuanishbay qizi</b> DAVLAT XIZMATLARI TUSHUNCHASI VA UNING HUQUQIY MAQOMI.....	5
<b>2. Халилова Нигорахон Акмалжон кизи</b> РОЛЬ СВОБОДЫ СЛОВА В МЕХАНИЗМЕ КОНТРОЛЯ НАД ГОСУДАРСТВЕННЫМИ ОРГАНАМИ.....	12
<b>3. Baratov Mirodiljon Khomudzhonovich, Khakimov Ravshan Tulkunovich, Akramxodjaev Bori Toxtaxodjaevich</b> ACCESSION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN TO THE WORLD TRADE ORGANIZATION AND CURRENT ISSUES OF CYBER PROTECTION OF THE AUTOMOTIVE INDUSTRY OF UZBEKISTAN.....	19
<b>4. Фахриддинов Аловуддин Фахриддинович</b> КИССАВУРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ФОШ ЭТИШГА ОИД АЙРИМ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ.....	26
<b>5. Рузиназаров Шухрат Нуралиевич</b> ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В ЭЛЕКТРОННОЙ КОММЕРЦИИ: МИРОВЫЕ ОРИЕНТИРЫ И ОПЫТ СТРАН ЦАРЭС И ОТГ.....	34
<b>6. Давлятов Валишер Хакимжанович</b> АДВОКАТЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНИ: АҲАМИЯТИ, ЗАРУРАТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	58
<b>7. Рустамов Нодирбек Илхомович</b> ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ БОСҚИЧИДА ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	65
<b>8. Ametova Nurjamal Qudaybergenovna</b> HARBIY YOКИ MAXSUS UNVONDAN MAHRUM ETISH TARZIDAGI QO‘SHIMCHA JAZO TURINI TA‘YINLASHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	74
<b>9. Садуллаев Жахонгир Джамshedович</b> АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРГАНЛИК, СОТГАНЛИК ЁКИ УЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	80
<b>10. Матжанов Илхам Адилбаевич</b> ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВДА ЖИНОЯТ ҲАҚИДА ОАВ ДА ТАРҚАЛГАН ХАБАР ВА МАЪЛУМОТЛАРНИ ТЕКШИРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ АҲАМИЯТИ.....	88
<b>11. Ғайбуллаев Фаррух Юлдашевич</b> ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КОРРУЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	95
<b>12. O‘rinova Dilshoda Adxamovna</b> AYOLLAR JINOYATCHILIGINING SABABLARI, UNI VUJUDGA KELITIRUVCHI SHART- SHAROITLAR.....	108



**Садуллаев Жаҳонгир Джамшедович,**  
Тошкент давлат юридик университетида мустақил изланувчиси  
E-mail: sadullayev98@icloud.com

**АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА  
ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРГАНЛИК, СОТГАНЛИК ЁКИ УЛАРДАН  
Фойдаланганлик учун жавобгарликнинг ўзига хос жиҳатлари**

**For citation:** Sadullaev Jaxongir Djamshedovich. FEATURES OF LIABILITY FOR FORGERY, SALE OR USE OF DOCUMENTS IN THE CRIMINAL LEGISLATION OF SOME FOREIGN COUNTRIES. Journal of Law Research. 2025, 10 vol., issue 3, pp. 80-87

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.15158678>

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу тадқиқот хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигида ҳужжатларни қалбакилаштириш, сотиш ва қалбакилаштирилган ҳужжатлардан фойдаланиш учун жиноий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур таҳлил қилади. Замонавий рақамли технологиялар ривожланиши билан ҳужжатларни қалбакилаштириш усуллари ҳам мураккаблашиб бормоқда, бу эса жиноят қонунчилигини доимий равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади. Хусусан, сўнгги йилларда электрон ҳужжатлар, рақамли имзолар ва блокчейн технологиялари билан боғлиқ қалбакилаштириш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Тадқиқот натижасида ҳужжатларни қалбакилаштириш билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда қўлланилаётган илғор хорижий тажриба ҳар томонлама ўрганилган. Жумладан, Германиянинг ҳужжатларни турларга ажратиш ва ҳар бир тур учун алоҳида жавобгарлик белгилаш тажрибаси, Франциянинг етказилган зарарга асосланган ёндашуви, Буюк Британиянинг мослашувчан ҳуқуқий механизмлари, Россиянинг мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган қалбакилаштириш жиноятларига қарши курашиш тажрибаси, Япониянинг рақамли ҳужжатларни ҳимоя қилиш тизими, Хитойнинг замонавий технологиялардан фойдаланиш амалиёти ва Жанубий Кореянинг блокчейн технологияларини жорий этиш тажрибаси батафсил ўрганилган. Ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий тизими ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар ҳужжатларни қалбакилаштириш билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда турли ёндашувларни қўллайди. Бу тажрибалар асосида Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** жиноят, қалбакилаштириш, электрон, ҳужжат, хорижий, кодекс, мода.

**Садуллаев Жаҳонгир Джамшедович,**  
Самостоятельный соискатель Ташкентского  
государственного юридического университета  
E-mail: sadullayev98@icloud.com

## ОСОБЕННОСТИ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ПОДДЕЛКУ, СБЫТ ИЛИ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ДОКУМЕНТОВ В УГОЛОВНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ НЕКОТОРЫХ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН

### АННОТАЦИЯ

В настоящем исследовании дается глубокий анализ особенностей уголовной ответственности за подделку, сбыт и использование поддельных документов в уголовном праве зарубежных стран. С развитием современных цифровых технологий способы подделки документов становятся все более изощренными, что требует постоянного совершенствования уголовного законодательства. В частности, в последние годы участились случаи подделки документов, связанных с электронными документами, цифровыми подписями и технологиями блокчейн. В результате исследования был всесторонне изучен передовой зарубежный опыт борьбы с преступлениями, связанными с подделкой документов. В частности, подробно изучен опыт Германии по разделению документов на виды и установлению отдельной ответственности за каждый вид, подход Франции, основанный на причиненном ущербе, гибкие правовые механизмы Великобритании, опыт России по борьбе с преступлениями, связанными с подделкой документов должностными лицами, система цифровой защиты документов Японии, практика Китая по использованию современных технологий, опыт Южной Кореи по внедрению технологий блокчейн. Правовая система каждой страны имеет свои особенности, что позволяет использовать разные подходы в борьбе с преступлениями, связанными с подделкой документов. На основе полученного опыта разработаны научно обоснованные предложения по совершенствованию уголовного законодательства Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** преступление, подделка, электронный, документ, иностранный, код, вещество.

**Sadullaev Jaxongir Djamshedovich,**

Independent researcher at Tashkent State University of Law

E-mail: sadullaev98@icloud.com

## FEATURES OF LIABILITY FOR FORGERY, SALE OR USE OF DOCUMENTS IN THE CRIMINAL LEGISLATION OF SOME FOREIGN COUNTRIES

### ANNOTATION

This study provides an in-depth analysis of the features of criminal liability for forgery, sale and use of forged documents in the criminal law of foreign countries. With the development of modern digital technologies, methods of document forgery are becoming increasingly sophisticated, which requires constant improvement of criminal legislation. In particular, in recent years, cases of forgery of documents related to electronic documents, digital signatures and blockchain technologies have become more frequent. As a result of the study, advanced foreign experience in combating crimes related to document forgery was comprehensively studied. In particular, the experience of Germany in dividing documents into types and establishing separate liability for each type, the approach of France based on the damage caused, flexible legal mechanisms of the UK, the experience of Russia in combating crimes related to forgery of documents by officials, the digital document protection system of Japan, the practice of China in using modern technologies, the experience of South Korea in implementing blockchain technologies were studied in detail. The legal system of each country has its own characteristics, which allows using different approaches in combating crimes related to document forgery. Based on the experience gained, scientifically substantiated proposals for improving the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan have been developed.

**Keywords:** crime, forgery, electronic, document, foreign, code, substance.

Замонавий жамиятда ҳужжатларни қалбакилаштириш ва у билан боғлиқ жиноятлар давлат бошқаруви, иқтисодий хавфсизлик ва ижтимоий тартибга жиддий таҳдид туғдиради. Ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва ишончилиги давлат идоралари, хусусий сектор ва

фуқаролар ўртасидаги муносабатларда муҳим аҳамият касб этади. Қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш коррупцияга йўл очиб бериши, молиявий фирибгарликларга сабаб бўлиши ва ҳатто миллий хавфсизликка таҳдид солиши мумкин. Шунингдек, ҳужжатларни қалбакилаштиришнинг турли кўринишлари – паспорт, шахсни тасдиқловчи гувоҳнома, нотариал ҳужжатлар, дипломлар, молиявий сертификатлар ва бошқа расмий ҳужжатларнинг сохталаштирилиши – давлат органлари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари учун долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ҳужжатлар айланиши тизимининг рақамлаштирилиши ва қалбакилаштириш усуллариининг такомиллашиб бориши ҳуқуқий тизимларнинг мослашиши ва самарали қарши чоралар ишлаб чиқишини талаб этмоқда. Айниқса, замонавий рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва блокчейн технологиялари ҳужжатларнинг ҳимоя механизмларини кучайтиришда катта имкониятлар тақдим этади. Шу билан бирга, киберҳужумлар ва электрон ҳужжатларни қалбакилаштириш усуллари ҳам ривожланиб бормоқда, бу эса давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш заруратига ишора қилади.

Айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида ҳужжатларни қалбакилаштирганлик, сотганлик ёки улардан фойдаланганлик учун жавобгарлик масаласи жуда кенг кўламли илмий-амалий ўрганишларни талаб қилади. Чунки глобаллашув жараёнида жиноятлар кўламининг ўсиши, технологик тараққиёт ортидан пайдо бўлаётган янги усуллар ва воситалар, шунингдек, трансмиллий жиноятчилик шакллариининг ривожланиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасига янада жиддий вазифалар юкламоқда. Бу жараёнда айниқса, турли қалбаки ҳужжатлар орқали содир этилаётган жиноятлар – ҳуқуқбузарликлар самарали тергов қилинишини ҳамда судда кўриб чиқилишини таъминлаш учун жиддий асос бўлиб хизмат қилади. Халқаро ҳуқуқий амалиётда ҳужжатларни қалбакилаштириш билан боғлиқ жиноятлар кўп жиҳатдан иқтисодий жиноятлар, шунингдек, коррупция ёки фирибгарлик билан ўхшаш бўлиши мумкин.

Ҳужжатларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар илмий адабиётларда бир неча йўналишда ўрганиб чиқилган. Жумладан, ҳуқуқшунос олимлар бу жиноятларнинг ҳуқуқий табиати, субъектив ва объектив томонлари, квалификация қилишда юзага келадиган мураккаб жиҳатлари ҳақида турли назарий хулосалар билдириб келишади[1]. Хорижий мамлакатлар қонунчилигини ўрганиш амалиёти нишон беришича мумкинки, кўплаб мамлакатларда ҳужжатларни қалбакилаштириш билан боғлиқ жиноятларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ўзига хос тарихий, иқтисодий, сиёсий шароитлардан келиб чиқиб ривожланган. Шу муносабат билан, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Россия, Япония, Хитой Халқ Республикаси, Корея Республикаси каби мамлакатларда мураккаб тизимлар шакллантирилган бўлиб, уларда ҳам жазолар турлари, ҳам тазйиқ механизмлари турлича. АҚШ қонунчилигида, масалан, қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш ёки ундан фойдаланиш федерал даражада ҳам, штат қонунчилиги даражасида ҳам жавобгарликни назарда тутуди[2].

Буюк Британияда эса 2006 йилги Фирибгарлик тўғрисидаги қонун ва 1981 йилда қабул қилинган Қалбакилаштириш ва сохталаштириш тўғрисидаги қонун (Forgery and Counterfeiting Act)[3] ҳужжатларни қалбакилаштириш билан курашиш учун ҳуқуқий асосни белгилаб беради. Британия ёндашувининг ўзига хослиги шундаки, у қалбакилаштириш усуллариининг кўра, алдаш ниятига кўпроқ эътибор қаратади. Бу эса технологик ривожланиш натижасида пайдо бўладиган янги турдаги ҳужжат фирибгарликларини таъкиб қилишда катта имкониятлар яратади.

Германия Федератив Республикасида эса Strafgesetzbuch (StGB) доирасида расмий ҳужжатларни қалбакилаштиришдан тортиб, хусусий ҳужжатларни сохталаштиришгача бўлган бир неча моддалар мавжуд бўлиб, уларда жазо чоралари ажратилган ҳолда махсус тартибда қўлланилади[4]. Айнан Германия ёндашувининг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳужжатларнинг турлари батафсил таснифланган ва ҳар бир тур учун алоҳида жазо чоралари белгиланган. Германия Жиноят кодексининг 267-параграфида оддий ҳужжат қалбакилаштириш учун беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган бўлса,

оғирлаштирувчи ҳолатларда жазо янада оғирроқ бўлиши мумкин. Германия жиноят кодексига кўра ҳужжатларнинг қуйидаги турлари фарқланади. Хусусан, расмий ҳужжатлар, техник ёзувлар, тижорат ҳужжатлари, шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар[5].

Россия Федерациясининг Жиноят кодексига эса расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш, уларни сотиш ёки фойдаланиш билан боғлиқ нормалар умумий тартибда бир неча моддалар билан тартибга солинган[6]. Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 292 ва 327-моддаларида ҳужжатларни қалбакилаштириш билан боғлиқ жиноятлар мансабдор шахслар ва жисмоний шахслар томонидан содир этиладиган қалбакилаштириш ўртасида фарқ қилади. Россия ёндашуви Ўзбекистон учун ҳуқуқий тизимлар ва тарихий ривожланишдаги ўхшашликлар туфайли алоҳида аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, Япония Жиноят кодексининг[7] 155-159-моддаларида ҳужжатларни қалбакилаштириш масаласи тартибга солинган бўлиб, турли хил ҳужжатларни қалбакилаштириш ва уларга мос жазоларга тизимли ёндашув қўлланилган. Япония тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳужжатлар батафсил таснифланган ва ҳужжатнинг аҳамияти ҳамда жиноятчининг нияти асосида турли даражадаги жазолар белгиланган.

Франция Жиноят кодекси (Code pénal) ҳужжатларни қалбакилаштиришга нисбатан кенгрок ёндашувни қўллади ва ҳам давлат, ҳам жисмоний шахсларга тегишли ҳужжатларни қамраб олади. 441-1-моддада қалбакилаштириш таърифи берилган бўлиб, унга кўра, ҳар қандай фирибгарлик йўли билан ҳақиқатни бузиш, агар у зарар етказса ёки зарар етказиш хавфини туғдирса ва бу ҳужжат ёки бошқа ифода воситасида амалга оширилган бўлса, жиноят ҳисобланади[8]. Франция тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, у қалбакилаштириш ҳаракатининг ўзидан кўра, унинг натижасида етказилиши мумкин бўлган зарарга кўпроқ эътибор қаратади.

Корея Республикаси Хитой Халқ Республикаси қонунчилигида ҳам ҳужжатларни қалбакилаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Хитой Жиноят кодексининг тегишли моддаларида ҳужжатларни қалбакилаштириш, сотиш ва улардан фойдаланиш учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, жазо чоралари ҳужжатнинг тури ва аҳамиятига қараб фарқланади. Жанубий Корея жиноят қонунчилигида ҳам ҳужжатларни қалбакилаштириш масаласига катта эътибор қаратилган. Корея тажрибасининг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳужжатларни қалбакилаштириш билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишда замонавий технологиялардан фаол фойдаланилади.

Бугунги кунда, ҳужжатларни қалбакилаштириш усуллари жадал ривожланаётган технологиялар билан бирга ривожланиб бораётганлиги сир эмас[9]. Бунга асосан электрон ҳужжатлар, рақамли имзо, QR-код каби янги воситалар кириб келгани сабаб бўлаяпти. Шу боис хорижий мамлакатларда ҳужжатларни қалбакилаштиришда электрон шакллар ҳамда рақамли платформаларда амалга ошириладиган сохталиклар бўйича алоҳида нормалар жорий қилинганини кўриш мумкин. Масалан, Буюк Британияда рақамли ҳужжатларни қалбакилаштириш фирибгарлик жиноятларининг бир кўриниши сифатида таснифланади, Германияда эса айрим ҳолатларда санадларни қалбакилаштириш билан бир қаторда электрон маълумотлар базасига ноқонуний аралашув орқали содир этилаётган сохталиклар ҳам жиноий жавобгарликка тортилади. Россияда электрон ҳужжатлар юридик кучга эга бўлгани туфайли, улар билан манипуляция қилиш муваффақиятли аниқланса, тегишли моддалар асосида жиноий иш қўзғалиши мумкин. Шундай ҳолатлардан келиб чиқиб, кўплаб мамлакатларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида электрон далиллар билан ишлаш учун махсус бўлинмалар ташкил этилган. Айнан мана шу электрон ҳужжатлар билан боғлиқ сохталикларга дуч келганда, эксперт-криминалистлар электрон далиллар, уларни аниқлаш, тарихини кузатиб бориш, техник экспертиза қилиш бўйича аниқ регламент асосида ҳаракат қилиши талаб этилади.

Бундан ташқари, ҳужжатларни қалбакилаштириш билан боғлиқ жиноятларнинг субъектив томони ҳам хорижий амалиётда турлича талқин қилинади. Масалан, айрим мамлакатлар қонунчилигида қалбакилаштириш фақат мақсадли равишда моддий манфаат олишга қаратилган бўлса, бошқаларида эса фақат моддий манфаатгина эмас, балки бошқа

турдаги мақсадлар (масалан, обрў-эътибор топиш, алдаш, маълум бир ҳуқуқий натижага эришиш) ҳам жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Шу билан бирга, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш ёки уларни сақлаш, тарқатиш, сотиш каби ҳаракатлар ҳам кўплаб мамлакатларда алоҳида жиноят таркиби сифатида қаралади[10]. Баъзида эса ушбу ҳаракатлар бир модда доирасида қамраб олинади. Масалан, АҚШда қалбаки ҳужжатларнинг турига кўра санкциялар турли даражада белгиланади: банк ҳужжатлари, давлат ҳужжатлари, расмийлаштирилган лицензиялар, шахсий гувоҳномалар ва бошқа муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича жазо муддатлари каттароқ бўлиши мумкин. Буюк Британияда эса ҳар бир ҳолатда қалбакилаштириш оқибатлари, моддий зарар, жамоат тартиби ва хавфсизлигига етказилган зарар, биринчи марта содир этилаётган ёки такроран содир этилиши каби омиллар ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида ҳам қалбаки ҳужжатлар билан боғлиқ жиноятлар учун жазо назарда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 228-моддасида расмий ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкларни қалбакилаштириш, уларни сотиш ёки фойдаланиш орқали содир этиладиган ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Шунингдек, мазкур модданинг санкциялари содир этилган ҳаракатлар турига, оқибатига, шахслар доирасига ва бошқа бир қатор омилларга кўра турлича тартибда белгиланади. Бироқ, амалиётда ушбу моддани қўллашда бир қатор муаммолар мавжудлиги илмий адабиётлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётида таъкидлаб келинади. Хусусан, қалбаки ҳужжатларнинг турли кўринишлари, электрон шаклда бўлиши ёки рақамли технологиялар орқали содир этилиши каби масалаларда аниқ қонун нормалари ёки тафсилотлар етарли эмаслиги, бу эса амалда моддани қўллашда баъзи ноаниқликлар келтириб чиқараётганини кўрсатади. Шу билан бирга, қалбакилаштириш учун жиноий жавобгарликка тортишда шахснинг аниқ мақсади ва ниятини исботлашда ҳам мақбул далиллар йиғиш муҳимлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Илмий натижалар шуни кўрсатадики, хорижий мамлакатларда қалбакилаштириш билан боғлиқ жиноятлар (айниқса, электрон шаклдаги сохталиклар) борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти анча илғор механизмларга эга. Масалан, Германияда электрон ҳужжатлар текширувидан тортиб электрон далилларни судда қабул қилиш жараёнигача бўлган барча босқичлар аниқ белгилаб қўйилган. Буюк Британияда эса рақамли далиллар билан ишлаш методикаси ҳар бир терговчининг мажбурий малака ошириш жараёнида қатъий ўргатилади[11].

Хорижий мамлакатлар амалиётида қалбакилаштирилган ҳужжатларни сотиш ёки тарқатиш билан боғлиқ жиноятлар ҳам алоҳида урғу берилганлигини ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, АҚШда федерал даражада қалбаки расмий ҳужжатлар (паспорт, гувоҳнома, банк чеки, имтиёзли рухсатнома ва бошқа шу каби ҳужжатлар) тайёрлаб тарқатиш учун жуда қатъий жазо чоралари белгиланган[12]. Бу том маънода олдиндан кўплаб потенциал ҳуқуқбузарларнинг ҳаракатларини чеклайди, чунки қалбаки ҳужжат тайёрлашда иштирок этган ёки ундан фойдаланган шахслар бир хил жавобгарликка тортилиши мумкин. Буюк Британия қонунчилигида ҳам сотиш ёки тарқатиш, ҳатто воситачилик қилиш (масалан, қалбаки ҳужжатни бошқа шахсга ўтказиб беришда ёрдамлашиш) жиноий жавобгарликни вужудга келтиради. Германияда эса махсус жиноят таркиби сифатида қалбаки расмий ҳужжатлар билан операциялар қилиш (жумладан, сотиш, оммавий равишда тарқатиш) кўзда тутилган. Булардан келиб чиқиб, электрон ҳужжатлар билан боғлиқ жиноятлар учун ҳам худди шундай нормалар мавжуд бўлиб, электрон шаклдаги қалбаки ҳужжатларни тарқатиш, кодларни ўғирлаш ёки сохталаштириш жиноят сифатида квалификация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 228-моддасида ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар ва бошқа ҳужжатларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш учун жавобгарлик белгиланган. Бугунги кунда, амалдаги қонунчилик самарали бўлса-да, глобаллашув даврида мавжуд воқеликларни ҳисобга олган ҳолда янги нормалар билан бойитилиши талаб этилмоқда. Чунки эндиликда қалбаки ҳужжат тушунчасини нафақат қоғоз шаклидаги расмий ҳужжатлар, балки электрон ҳужжатлар, рақамли базалар, электрон

тасдиқлаш кодлари ва бошқа технологик элементлар билан ҳам боғлаш зарурати туғилади. Бу эса электрон ҳужжатни қалбакилаштириш бўйича аниқ тафсилотларни киритишни талаб этади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида онлайн шаклда кўплаб хизматлар кўрсатилаётганлиги сабабли, бу соҳада қалбакилаштириш хавфи ошиши мумкин. Масалан, рақамли гувоҳнома, электрон тўлов система ҳужжатлари, электрон шартномалар, электрон дипломлар ва шу каби бошқа кўплаб юридик кучга эга ҳужжатлар мавжуд. Улар қалбакилаштирилганда, нафақат шахсий манфаат билан боғлиқ жиноят, балки бутун тизимга ишончсизликни юзага келтириши мумкин.

Шу билан бир қаторда, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланишда шахсинг мақсади, келиб чиқадиган оқибатлар, жиноятни такроран содир этиш ёки уюшган гуруҳ тарзида амалга ошириш каби ҳолатлар ҳамда улар учун жазони оғирлаштирувчи омиллар сифатида ҳисобга олиш тизимини кучайтириш лозим. Чунки хорижий амалиётда айнан такрорий содир этиш ёки уюшган гуруҳ шаклидаги қалбакилаштиришлар учун анча оғир жазолар кўзда тутилган. Тадқиқот жараёнида олинган илмий натижалар шундан иборатки, биринчидан, хорижий мамлакатлар амалиётида қалбакилаштириш тушунчаси жуда кенг қамровли бўлиб, фақат қоғоз шаклидаги ҳужжатлар эмас, балки электрон ҳужжатлар, рақамли имзо, штрих-кодлар, QR-кодлар, онлайн платформаларда тафтишлаш имконини берадиган ҳар қандай ахборот маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади. Иккинчидан, жиноят таркиби аниқ белгилаб қўйилиши зарур, яъни моддий манфаат олиш мақсадида ёки бошқа ғайриқонуний мақсадда шахсан ёки бошқалар билан ҳамкорликда қалбакилаштириш ҳамда қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш бевосита жинойий жавобгарликка тортилиши шарт. Учинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида жиноятни аниқлаш, исботлаш, далилларни йиғиш жараёнида экспертизани ўтказиш учун етарли техник-эксперт мутахассислар салоҳиятини ошириш. Чунки электрон сохталик ҳолатлари оддий кўз билан аниқланмайди, буни техник ёки рақамли экспертизалар билан аниқлаш талаб этилади. Тўртинчидан, суд органларида электрон далиллар билан ишлаш процедуралари аниқ белгилаб қўйилмаган бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг барча ҳаракатлари самарасиз бўлиб қолиши мумкин. Шу сабабли, хорижий амалиёт кўрсатганидек, электрон далиллар билан ишлаш, уларни процессуал жиҳатдан қабул қилиш, сақлаш, экспертиза қилиш, муҳрлаш, кўпайтириш каби ҳар бир босқич бўйича аниқ регламент бўлиши талаб этилади.

Шу билан бирга, хорижий мамлакатлар амалиётида ушбу соҳадаги ёндашувлардан яна бири – жазо чораларини индивидуаллаштириш ҳисобланади. Яъни ҳар бир давлатда қалбакилаштирилган ҳужжат турини, жиноят содир этиш мақсади, такроран ёки уюшган гуруҳ тарзида содир этилинганини ҳисобга олган ҳолда санкциялар белгиланади. Масалан, Германияда энг оғир жазо турлари давлат аҳамиятига эга расмий ҳужжатлар (паспорт, ҳарбий билет, ҳукумат лицензиялари ва ҳ.к.) қалбакилаштирилганда ҳамда бу ҳаракатлар кенг кўламда содир этилганда қўлланилади. Буюк Британияда эса раҳбар лавозимларида ишлайдиган шахслар, ташкилот мавқеи ёки жамоат тартибини жиддий равишда бузадиган ҳолатда қўлланиладиган жазо турлари анча оғирлаштирилган. АҚШда эса ҳар бир штатда ҳам турли санкциялар мавжуд, бироқ федерал даражада кўзда тутилган моддаларда бир талай оғир жазо чоралари мавжуд. Шу туфайли, Ўзбекистон Республикасида ҳам қалбакилаштириш билан боғлиқ жиноятлар турларини аниқ таснифлаш ва улар учун дифференциациялашган жазо чораларини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, қимматли қоғозлар (чек, вексель, банк картаси) билан боғлиқ қалбакилаштириш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт, ID-карта, ҳайдовчилик гувоҳномаси) билан боғлиқ қалбакилаштириш, электрон маълумотлар базаси ёки электрон сертификат (рақамли имзо) билан боғлиқ қалбакилаштириш каби турли ҳолатлар учун ҳар хил жазо чоралари мослаштирилган ҳолда белгилаш мумкин. Бу эса бир томондан ишни тергов қилишда ва судда юридик классификацияни осонлаштиради, иккинчи томондан жазо чораларини адолатли белгилаш имконини яратади.

Шундай қилиб, илмий тадқиқот ва хорижий амалиётни кўриб чиқишдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини ривожлантириш бўйича бир нечта аниқ таклифларни ишлаб чиқиш мумкин. Биринчидан, қалбаки ҳужжатлар тушунчасини қайта

кўриб чиқиб, унинг қамровини кенгайтириш зарур. Яъни ҳужжат тушунчасига электрон шаклдаги ҳужжатлар, рақамли имзо, электрон база ёки платформа орқали тасдиқланадиган маълумотлар киритиш мақсадга мувофиқ. Иккинчидан, 228-модда ва унга тегишли бошқа моддаларда электрон ҳужжатларни қалбакилаштириш, сотиш, тарқатиш ёки улардан ноқонуний фойдаланиш учун алоҳида тартибда жавобгарликни белгилаш мақсадга мувофиқдир. Учинчидан, содир этилган жиноят оқибатига (моддий зарар миқдори, жамоат хавфсизлигига ёки давлат обрўсига етказилган зарар) қараб дифференциациялашган санкцияларни белгилаш системасини кучайтириш лозим. Тўртинчидан, махсус экспертизалар, айниқса электрон далилларни аниқлаш, экспертиза қилиш ва судда тақдим этиш бўйича ҳуқуқий механизмларни яратиш мақсадида алоҳида низом ёки буйруқлар ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Бешинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва суд тизими мутахассислари учун электрон қалбаки ҳолатларини аниқлаш, далилларни муҳрлаш, саклаш ва экспертиза қилиш бўйича мунтазам малака ошириш курслари ташкил этиш керак. Шу билан бирга, шунга мос равишда киберхавфсизликни таъминловчи техник ускуналар, эксперт-хулосалар чиқариш учун замонавий лабораториялар билан таъминлаш талаб этилади. Олтинчидан, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни кучайтириш, яъни электрон далиллар билан боғлиқ жиноятлар трансмиллий кўриниш олиш эҳтимоли туфайли хорижий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ахборот алмашинувини йўлга қўйиш эҳтиёжлари ҳам тобора ошиб бормоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни қайд этишимиз керакки Германия модели энг батафсил ва тизимли ҳисобланади. Унда ҳужжатларнинг турлари аниқ таснифланган ва ҳар бир тур учун алоҳида жавобгарлик белгиланган. Бу модель ҳуқуқни қўллаш амалиётида аниқлик ва барқарорликни таъминлайди. Франция модели эса етказилган зарарга кўпроқ эътибор қаратади. Бу ёндашув жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини тўғри баҳолаш имконини беради, аммо ҳуқуқни қўллаш амалиётида маълум қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Буюк Британия модели анча мослашувчан бўлиб, янги турдаги жиноятларга тезкор муносабат билдириш имконини беради. Бирок, бу модель континентал ҳуқуқ тизимига эга давлатлар учун тўғридан-тўғри қўллаш учун мос эмас. Осие мамлакатлари тажрибаси, айниқса Япония модели, ҳужжатларнинг турли хил турларини батафсил таснифлаш ва жазоларни табақалаштириш борасида қизиқарли ёндашувни намойиш этади. Хулоса ўрнида шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикасида ҳужжатларни қалбакилаштириш соҳаси бўйича жиноят қонунчилигини янада ривожлантириш учун илгари сурилган таклифлар бевосита хорижий амалиётда ишлаётган механизмлардан келиб чиқади. Айни вақтда, албатта, маҳаллий шароит, ҳуқуқий маданият, иқтисодий-молиявий имкониятлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг илмий-техник салоҳияти ҳисобга олиниши лозим. Шу билан бирга, халқаро жиноятчиликка қарши курашда Интерпол, Европол, ШХТ сингари ташкилотлар билан ҳамкорлик битимларини чуқурлаштириш мақсадга мувофиқдир. Зеро, қалбаки ҳужжатлар билан боғлиқ жиноятлар кўп ҳолларда чегаралар билан чекланиб қолмайди. Моддий манфаат кўзлаган шахслар хориждан туриб қалбаки ҳужжатлар тайёрлаши, электрон тармоқлар орқали сотаётган бўлиши ёки аксинча, бугунги кунда хорижга чиқиб-келувчилар кўплиги сабабли хорижда олинган қалбаки ҳужжатларни юртимизда қўллаш эҳтимоли мавжуд.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Johnson, P. (2019). The evolution of forgery crimes in the digital age. *Criminal Law and Criminal Justice*, 27(3), 245-262.
2. Carpenter, T., & Freedman, J. (2016). Federal and state approaches to counterfeiting and forgery in the United States. *SSRN Electronic Journal*. <https://doi.org/10.2139/ssrn.2890145>
3. Forgery and Counterfeiting Act 1981 <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1981/45>
4. Schmidt, H. (2018). The classification and prosecution of forgery crimes under German law (StGB). *Review of European Criminal Law*, 19(4), 129-145.

5. Weber, M. (2021). Recent developments in German document forgery law. *European Criminal Law Review*, 16(4), 289-312.
6. Ivanov, K. (2017). Criminal policy analysis: Document forgery in Russian law. *Criminal Law Review*, 33(1), 77-91.
7. Penal code <https://www.cas.go.jp/jp/seisaku/hourei/data/PC.pdf>
8. Code pénal [https://www.equalrightstrust.org/ertdocumentbank/french\\_penal\\_code\\_33.pdf](https://www.equalrightstrust.org/ertdocumentbank/french_penal_code_33.pdf)
9. Miller, B. (2019). The impact of new technologies on counterfeit document crimes. *Journal of Law and Technology*, 14(2), 90-113.
10. Jones, M. (2021). Cross-border document fraud and the role of international cooperation. *Cross-Border Journal for International Studies*, <https://doi.org/10.2139/ssrn.3501241>
11. Black, R. (2021). Digital evidence and modern forensic challenges in document fraud cases. *Journal of Cybersecurity Law*, 12(4), 212-229.
12. Wilson, J. R. (2019). Common law approaches to document forgery. *International Criminal Law Review*, 24(2), 178-195.

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

10 ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 10, НОМЕР 3

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 10, ISSUE 3

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000